

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙНИНГ ИЖОДИ ВА “ШАРҲИ МУЛЛО” АСАРИ

Тоштемиров Ҳикматилла Юсупович

Тошкент Давлат Шарқишунослик университети магистранти

“Шарҳи Мулло” асарининг муаллифи – Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Жомий. Аввалда у киши Имоиддин, кейинчалик эса Нуриддин номи билан машҳур бўлганлар. Кунялари Абул Баракот эди. Нисбалари “Жом” деган жойга бўлгани учун “Жомий” деб танилганлар. Жом Хуросон вилоятларидан бири бўлиб, унга Жомийнинг ота ва бобоси асл ватанлари Исфаҳоннинг “Дашт” маҳалласидан кўчиб келишган¹⁴⁶.

Абдураҳмон Жомий 817 ҳ.й Шаъбон ойининг 23-кунида (1414 м.й. 7 ноябрь) Машҳад ва Ҳирот ўртасидаги Жом вилоятининг Хоржард қишлоғида туғилганлар.

Баъзи манбаларда Абдураҳмон Жомийнинг насабларини Имом Абу Ҳанифанинг машҳур шогирди Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийга олиб борадилар. Аш-Шайбон машҳур араб қабилаларидан бири бўлган.

Абдураҳмон Жомий нақшбандия тариқати муршиди, устози Саъиддин Қошғарийнинг кизига уйланади ва ундан тўртта фарзанд кўради. Шуларни ичида фақат Зиёуддин Юсуф яшаб қолади. Қолганлари ёшлигидаёт вафот этади. “Шарҳи Мулло” (“Фавоидуз Зиёия”) китоби ҳам шу ўғлига бағишлаб ёзилгандир.

Абдураҳмон Жомий илм-маърифат хонадонида ўсиб улғайди. Унинг бобоси Шамсиддин Муҳаммад Даштий Жом вилоятида аҳли илмларнинг фатво ва қазо масаласида мурожат қиладиган олими эди. Отаси Низомиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Даштий ҳам машҳурликда бобосидан кам эмас эди. Ҳанафий мазҳабининг катта фақиҳларидан эди. Араб тили грамматикасини яхши биларди. Абдураҳмон Жомий ҳам араб тили грамматикасини дастлаб отасидан ўрганади. Улар Жомдан Ҳиротга кўчиб келишганда уни Низомия мадрасасига ўқишга беришади. Мадрасада арабий илмларда машҳур бўлган Жунайд Усулий ва Шихобиддин Ҳожирийнинг дарсларига қатнашади. Кейин Самарқандга боради. У ерда Хўжа Али Самарқандий ва Қозизода Румийнинг дарсларида ҳозир бўлди. Турли илмлар билан қаттиқ шуғулланди, барчасида моҳир бўлди. Хуросон ва бошқа юртларда илм ва маърифатда донг таратди.

Бир қанча муаллифларнинг зикр қилишича Абдурраҳмон Жомий ҳам ақлий, ҳам шаръий илмлар билан машғул бўлган. Тасаввуф аҳлига ошно бўлган ва Нақшбандия сулукига мансуб бўлган.

Абдураҳмон Жомий турли илмларда араб ва форс тилларида ижод қилганлар. У киши форс шоирлари ичида машҳур бўлганлар. У киши ҳақида: “У шоирларнинг олими ва олимларнинг шоири”, дейишар эди.

¹⁴⁶الدكتور أسامة طه الرفاعي <https://ketabonline.com/ar/books/11370/read?part=1&page=2&index=45992>

У киши илм ва илм аҳлини яхши кўрувчи, ўта камтар ва содда ҳаёт кечирувчи, кўпинча сукут сақловчи, таъмадан узоқ киши эдилар.

Абдурахмон Жомий Нақшбандия тариқати муршиди Баҳоуддин Нақшбандий Бухорийга учта устоз орқали боғланганлар. Устозлари Саъдиддин ал-Қошғарий, у кишининг устозлари Низомиддин Хомуш, у кишининг устозлари Хожа Алоуддин Аттор, у кишининг устозлари Баҳоуддин Нақшбандий қуддиса сирруху. Умрларининг охирида Хожа Аҳроп Валий Самарқандийга ҳам муридлик қилганлар.

Абдуррахмон Жомий Мухаррам ойининг 18 куни 898 х.й. Ҳиротнинг Хиёбон деган жойида вафот этганлар. Дафн маросимида Султон Бойқаро касал бўлишига қарамасдан қатнашади. У кишини устозлари Саъдиддин Қошғарийнинг ёнига дафн қилишади¹⁴⁷.

Абдурахмон Жомий яшаган давр.

Хуросон ерлари Амир Темур ҳаётлигида унинг давлати таркибида бўлган ва Абдурахмон Жомий яшаган Ҳирот Хуросон ерларининг пойтахти бўлган. Амир Темурнинг вафотидан кейин Хуросон ерларини унинг ўғли Шоҳруҳ эгаллайди. Шоҳруҳ вафотидан кейин шаҳзодалар ўртасидаги жангу жадаллардан кейин Хуросон ерларига Ҳусайн Байқаро эгалик қилади ва Ҳиротни давлатининг пойтахти қилади. Унинг ҳукмронлик даври-ўттиз беш йил давомида бошқа даврларга нисбатан тинчлик бўлди.

Ижтимоий-маданий ҳаёт.

Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги даврида илм фан гуллаб яшнади. Ҳозиргача у даврга тегишли осори атиқалар сақланиб қолган. Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Бойсунғур Мирзо илм фанга қизикқан ва бу даврда илмий ривожланишга катта ҳисса қўшган эди. Бойсунғур мирзонинг саъй ҳаракати билан Фирдавсийнинг “Шоҳнома” таҳқиқ қилиниб, нусхалари солиштирилиб нусха кўчирилган ва унга “Ал-Бойсунқурия” номли муқаддима ёзилган. Унинг ҳомийлигида маҳоратли хаттот ва меъморлар кўпайди ва самарали ижод қилишди.

Маълум бир вақт нотинчликдан кейин Ҳусайн Байқаро ҳукмронлиги даврида ҳам илм фан ривожланди. Чунки Ҳусайн Байқаронинг ўзи ҳам илм-фанга ва шеърятга қизиқар эди.

Ҳусайн Байқаро “Ҳусайний” тахаллуси остида форсий ва туркий шеърлар ёзар эди. Айтишларича унинг ҳомийлигида 12 мингга яқин олиму уламолар ижод қилишган. У илм ва илм аҳлига муҳаббатли султон эди. Султон томонидан ёзилган “Мажолисул ушшоқ” китобининг 55 мажлисида Абдурахмон Жомийнинг ҳолатлари, ишқи, шеърлари ва байтлари келтирилган. Шундай қилиб Ҳусайн Байқаро даврида Ҳирот илм маърифат ва маданият марказига айланган. У ерда донғи кетган уламолар ижод қилишган ва энг яхши асарларини яратишган. Жумладан, Алишер Навоий, унинг устози Абдурахмон Жомий ва шогирди Камолиддин Бехзод ҳам шу даврда самарали ижод қилишган. Абдурахмон Жомийнинг айна биз ўрганаётган “Фавоиду

<https://ketabonline.com/ar/books/11370/read?part=1&page=2&index=45992>الدكتور أسامة طه الرفاعي¹⁴⁷

Зиёия” асари ҳам шу даврда ёзилган. Ҳусайн Бойқаро ҳам у зотнинг улуғ мартабасини эътироф этар ва унинг маслаҳатларига қулоқ осарди¹⁴⁸.

Абдурраҳмон Жомийнинг араб тилидаги асарлари:

1. Қуръони карим тафсири

2. Ад-Дурратул фахироҳ

Бу рисолада муаллиф суфийлар, мутакаллимлар, донишмандлар ва ўтганларнинг “Вожибул вужуд” (Аллоҳ таоло), унинг исм ва сифатлари тўғрисидаги мазҳаблари ва сўзларини таҳрир қилган. Бу рисола Қоҳирада чоп этилган.

3. “Ла илаҳа иллаллоҳ” рисоласи.

Бу кичик рисола тавҳидни баён қилган. Ўн икки варақли рисола.

4. Дуои қунутнинг шарҳи.

Икки варақли шарҳ.

5. Азиддин Абдурраҳмон ибн Аҳмаднинг (756 х.й. вафот.) “Рисолатул аздия” китобига шарҳ.

6. Ибн Арабийнинг “Фусусул ҳикам” китобига шарҳ.

Бу китоб Қоҳирада чоп этилган

7. Фавоидуз зиёия.

Араб грамматикасига бағишланган китоб. Кейинчалик “Шарҳи Мулло” номи билан машҳур бўлиб кетган¹⁴⁹.

Абдурраҳмон Жомийнинг форс тилида ёзган асарлари:

1. Ашъатул ламаъот.

Ироқий номи билан машҳур бўлган Фахриддин Иброҳим ал-Ҳадонийнинг “Ламаъот” китобига шарҳ.

2. Баҳористон. Ал-Иршодия деб ҳам аталади.

Китобни муаллиф ўғли Зиёуддинга атаб ёзганлар. Унда авлиёлар, улуғлар, сўфийлар, донишмандлар ва одил подшоларнинг ҳикоялари бор.

3. Тарихи Ҳирот.

4. Қирқ ҳадис.

Олимларнинг анъанасига кўра қирқта ҳадисни таржима қилганлар. Қирқта қитъа назм қилганлар, ҳар бир қитъа бир ҳадиснинг таржимаси бўлган.

5. Қасида ва ғазаллар девони.

Бу девон учга бўлинган. Биринчи қисми ёшлик чоғида ёзилган, иккинчи қисми ўрта ёшда, учинчи қисми умрининг охирида ёзилган шеър ва ғазаллардан иборат.

6. Ҳаж арконлари ҳақида рисола

7. Рисолату тажнисул хат.

Бу араб тилидаги баъзи кўп маъноли сўзларнинг маъносидаги ўзгаришлар ва алмашишилар ҳақидаги рисола. Бу рисола Ҳиндистонда чоп этилган.

8. Қофия фани ҳақида рисола

<https://ketabonline.com/ar/books/11370/read?part=1&page=2&index=45992>الدكتور أسامة طه الرفاعي¹⁴⁸

<https://ketabonline.com/ar/books/11370/read?part=1&page=2&index=45992>الدكتور أسامة طه الرفاعي¹⁴⁹

Бу кофия илми ҳақида қисқа ва етарли рисола.

9. Рубойиларнинг шарҳи рисоласи

Аллоҳ таолонинг зоти ва тавҳиди ҳақида рисола

10. Муаммо фани ҳақида кичик рисола

Бу муаммо фанида ёзилган шеърӣ рисола.

11. Нақшбандия силсиласи ҳақида рисола

12. Аруз ҳақида рисола

13. Муаммо ҳақида катта рисола

Насрий усулда ёзилган муаммо фанининг усул ва қоидаларини ўз ичига олган китоб.

14. Муншаот рисоласи

Жомийнинг давлат арбоблари, обрўли шахслар, аҳли фазл ва камолга ёзган хатлари ва ёзишмалари.

15. Шарҳун нуқоя Мухтасарул виқоя.

Шайх Садруш шарӣа Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг Мухтасарул виқоя асарига шарҳ, араб тили ҳам аралашган.

16. Шавоҳидун нубуввах

Нафаҳотул унс китобини ёзиб бўлгач, яқинларининг илтимоси билан Пайғамбар алайҳиссалом сийрати ҳақида китоб ёзишни илтимос қилишади.

17. Лужжатул асрор

18. Лавоих

19. Етти юлдуз маснавийлари

20. Нафаҳотул унс

Бу китобда 582 та тасаввуф арбоблари ва 34 та суфия аёлларнинг тарифларини ўз ичига олган¹⁵⁰.

Абдурахмон Жомийнинг “Шарҳи Мулло” асари.

Абдурахмон Жомийнинг араб грамматикаси ҳақидаги “Шарҳи Мулло” номи билан машҳур бўлган “Фавоидуз-Зиёия” асари мисрлик олим (جلال الدين عثمان بن عمر ابن) (أبي بكر بن الحاجب الكردي) Жалолиддин Усмон ибн Умар ибн Абу Бакр ибн Ҳожиб ал-Курдий (570х.й./1174 м.й. - 646 х.й./ 1249 м.й.)¹⁵¹ томонидан ёзилган “Ал-Кофия” (الكافية).асарининг шарҳидир. Жалолиддин ибн Ҳожиб усул, фикх, қироат, наҳв илмларида машҳур бўлган олим эди. У араб грамматикасини ўрганишда Имом Сибвайх ва Маҳмуд Замахшарийнинг китобларига асосий эътиборини қаратади. Ибн Ҳожиб Маҳмуд Замахшарийнинг “Муфассал” асарига “Изоҳ” номли шарҳ ёзганлар. У араб грамматикасига оид “ал-Кофия”сини ёзганида ҳам “Муфассал”дан кенг фойдаланган, лекин асосий эътиборини қисқа жумлалар билан кенг маънони ифодалашга ҳаракат қилган. Ибн Ҳожибнинг машҳур бўлиб кетган “Ал-Кофия” асарига кўплаб шарҳлар ёзилган. Ҳатто шарҳларнинг сони араб, форс ва турк

¹⁵⁰الدكتور أسامة طه الرفاعي <https://ketabonline.com/ar/books/11370/read?part=1&page=2&index=45992>

¹⁵¹https://www.marefa.org/%D8%A7%D8%A8%D9%86_%D8%A7%D9%84%D8%AD%D8%A7%D8%AC%D8%A8

тилларида 100 тадан ошади. Жумладан, Абдурахмон Жомий ҳам бу китобни шарҳлаб, ўқувчига мушкул бўлган масалаларни ечишга ҳаракат қилган.

Китобнинг ёзилиш тарихи

«Шарҳи Мулло» (ёки «Мулло Жомий») Марказий Осиё ва Идил (Волга) бўйи татарлари мадрасаларида араб тили грамматикасидан дарслик сифатида ўқитилган. Ундан ташқари Жомий ўз даврининг энг буюк тилшуноси ҳам бўлган, у форс тили грамматикаси бўйича махсус шеърӣ ва насрий қўлланма ёзган, араб тилини эса ўз она тилидек билган эди. У вақтда араб тили машҳур хоразмлик тилшунос олим Ибн Ҳожибнинг (1175– 1249) "Ал-Кофия" китоби бўйича ўрганиларди. Олимнинг суюкли фарзанди Зиёуддин Юсуф исмли ўғли бўлиб, у араб тилини Ибн Ҳожибнинг "Кофия" асарини дарслик бўйича ўқир экан, дарсни ўзлаштиришда катта қийинчилик сезади ва баъзи мужмал ўринларидан кўнгилдагидек тушунча ҳосил қилмади. Ўша кунгача ёзилган шарҳлардан қоникшиш ҳосил қилмай отасидан "Кофия" асарига шарҳ ёзиб беришини илтимос қилди. Жомий ўғли Зиёуддин Юсуфнинг таклифини инобатга олиб унга шарҳ ёзди. Жомий асарини ўғлининг номи билан, яъни "Фавоидуз-Зиёийя" деб номлади. Албатта, Жомий ушбу асарини нафақат ўғли, балки барча илм таҳсил қилувчиларга бошланғич қўлланма сифатида ёзганини асарнинг кириш қисмида айтиб ўтди. Ушбу асарни Жомий вафотидан бир йил олдин, ҳижрий 897 йили 11 Рамазон, шанба куни ёзиб тугатди¹⁵².

Бу китоб Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида сўнгги вақтларгача мактаб ва мадрасаларда араб тилидан қўлланма бўлиб келди.

Абдурахмон жомийнинг "Шарҳи Мулло" асарини ёзишдаги ўзига хос услуби.

Абдурахмон Жомий "Шарҳи Мулло" асари бошқа шорихларнинг одати каби ҳамду сано ва китобнинг ёзилиш зарурати ва тарихи билан бошланган.

"Ал-Кофия"ни шарҳлашда Ибн Ҳожибнинг матн тартибини сақлаб қоладилар. Қўшимча маълумотлар матн тартибида келтирилади.

Абдурахмон Жомий матнни шарҳнинг ичига гапнинг сиёкига қараб тарқатиб юборган. Агар матнни ажратиш турувчи белгилар бўлмаса, уни кўп ўринларда шарҳдан ажратиш қийин бўлади.

Ибн Ҳожиб кўпинча мавзуларни таърифлар билан бошлаган, Жомий эса унга қўшимча луғавий таърифни ҳам келтиради. Истилоҳий таърифда эса матндаги таърифни келтиради.

Шарҳда баъзи Ибни Ҳожиб таърифини келтирмаган нарсаларни таърифлайди. Масалан, калималарни маълум маънолар устига қуриш масаласидаги каби¹⁵³.

Шарҳ давомида таърифдан чиқиб кетадиган нарсалар, эътирозларга жавобларни келтиради.

Кўп ўринларда Жомийнинг шарҳлаш услуби осон ва енгил.

¹⁵² شرح ملا جامي المصطفائي 1321 هـ

¹⁵³ ملا جامي عبد الرحمن الجامي
Ismailaga Yayinevi, 2020 y, Istanbul.

Ибн Ҳожибнинг сўзларини араб грамматикасига кўра таҳлил қилади, масалан, тамйизликка кўра насб, мадарликка кўра насб, деб изоҳ беради.

Ихтилофли ўринларда ўзини наздида қувватли бўлган сўзни ва заиф кўринган сўзларни айтиб кетади. Шу жиҳатлардан бу шарҳ маълумотлари кўп бўлиши билан бирга енгил шарҳлардан ҳисобланади.

Жомий бу шарҳида асосан иккита китоб Ибни Ҳожибнинг Кофияга ўзи қилган шарҳ ва Розийнинг Кофияга шарҳидан фойдаланади. Бу икки китоб ўртасидаги йўлни тутиб, қисқалик ва узунлик ўртасини танлайди¹⁵⁴.

Бу шарҳ ҳақида бир қанча олимлар мақтовли сўзлар айтадилар:

Тошкўпирзода “Мифтахус саодаҳ” китобида: “Фазилатли мавлоно Абдурахмон Жомийнинг шарҳлари нозик таҳрир ва чиройли тартиб сабабли шундай мартабага етдики, унга қўшимча қилишнинг иложи йўқ”, дейди.

Хожи Халифа “Кашфуз-зунун” китобида: “Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий бир шарҳ ёздилар. Унда Кофиянинг шарҳларида келтирилган фойдаларни чиройли қилиб сараладилар ва ўзлари зиёда ҳам қилдилар. Уни “Фавоиди Зийёия” деб атаганлар. У китоб ҳали ҳам қўлма-қўл, эътибордан тушмаган”¹⁵⁵, дейди.

¹⁵⁴الدكتور أسامة طه الرفاعي <https://ketabonline.com/ar/books/11370/read?part=1&page=2&index=45992>

¹⁵⁵كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون [الحاج خليفة؛ مصطفى بن عبد الله كاتب جلي](https://waqfeya.net/book.php?bid=702) دار إحياء التراث العربي <https://waqfeya.net/book.php?bid=702>